



ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ЁШЛАР ТАЪЛИМИ ВА ТАРБИЯСИГА ОИД МАСАЛАЛАР

Shamiyeva O.R.

psixologiya fanlari nomzodi, dotsent

NDKTU “Ijtimoiy – gumanitar fanlar va jismoniy tarbiya” kafedراسи dotsenti

Tayanch soʻzlar: глобаллашув, таълим, тарбия, модернизация, ахборот жамияти, ғоявий тарбия, мафкуравий тарбия, мафкуравий иммунитет, оммавий маданият.

Ключевые слова: глобализация, образование, просвещение, модернизация, информационное общество, идеологическое образование, идеологическое образование, идеологический иммунитет, массовая культура.

Key words: globalization, education, enlightenment, modernization, information society, ideological education, ideological education, ideological immunity, mass culture.

Kirish. XXI аср бўсағасида дунёнинг сиёсий манзараси тубдан ўзгарди, икки кутбди дунё барҳам топди, нисбий мувозанат бузилди. Собик иттифок ўрнида мустақил мамлакатлар юзага келди. Мустабид мафкура ғояларидан халос бўлган халқлар ўз миллий давлатчилик анъаналарини тиклади. Шу билан бирга инсоният XXI аср охирига келиб бир қатор чегара билмайдиган муаммоларга дуч келди. Уруш ва тинчлик, экологик фалокатлар, маънавий қашшоқлик, нарқобизнес, терроризм, “оммавий маданият” каби муаммолар шулар жумласидандир. Яна дунёда глобаллашув, ахборот оқимининг тезлашуви ва интенсивлашуви, универсал технологиялар билан боғлиқ умумбашарий жараёнлар ҳам бормоқда. Глобаллашаётган дунёда миллий ва умуминсоний кадриятларга уйғунлашиш даврнинг ўзи такозо этмоқда. Зеро, глобаллашув жараёнида четдан кириб келаётган кадриятлар ёшларимиз онгига ўзининг ижобий таъсири билан биргаликда салбий таъсирини ҳам ўтказмоқда. Бу ёшларга «оммавий маданият»нинг таъсирида янада яққолроқ кўзга ташланади.

Кишилиқ тараққийотининг ҳар бир босқичида ёш авлод тарбияси доимо долзарб масала бўлиб қолган. Чунки, шахснинг ривожланиши қийин ва мураккаб ижтимоий жараён бўлиб, у қўплаб ички ва ташқи таъсирлар ҳамда омишлар орқали рўёбга чиқади. Буюк мутафаккир Абу Наср Форобий шахс камолоти тўғрисида шундақ деб ёзади: “Инсон туғилганда камолот қасб этиб



туғилмайди, кишиларнинг хулқи, фаолияти, ҳаёти ўхшаш бўлади. Булар кейинчалик ўзгаради, яъни жамиятда, одамлар орасида ўса бошлагандан кейин шаклланади. Камолотга бир кишининг ўзи ёлғиз эришуви мумин эмас”. [11. Б. 35]. Форобийнинг ушбу ғоялари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган бўлиб инсон камолотга эришиши учун оила ва жамоатчиликнинг ҳамкорлиги муҳимдир.

Мафкура ва мафкуравий тарбия масаласи ўз мустақиллигини қўлга киритган, демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамиятининг асосларини яратётган мамлакатимиз учун ҳам муҳим ҳаётий аҳамиятга эга бўлиб келмоқда. Зеро, кўзланган мақсадларга ушбу орзу – умид ва интилишларни ўзида мужассамлаштирган ғоявий – назарий қарашлар мажмуи бўлмиш миллий мафкура ва унга асосланган тарбия тизимисиз эришиш мукин эмаслиги аниқ. “Мен, - деб ёзади биринчи президентимиз, - Абдулла Авланийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир” деган фикрини кўп мушоҳада қиламан”. Буюк маърифатпарварнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир [6; Б. 17]

Adabiyotlar tahlili va metodologiya. Бугунги глобал дунёда энг устувор саналган кадрият бу - билим ва ахборот экан, демак, “Биз кенг қўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислоҳотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик” [1; Б.223]. Агар бугунги кунда жамиятни ташкил этишнинг асосий тамойили билим бўлса, бу аввало бутун ҳаётимизни билим асосида қуришимиз кераклигини англатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таълим тизимининг барча бўғинлари мактабгача таълим, мактаб таълими, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим трансформациясига алоҳида эътибор қаратмоқда [1;Б.222-234]. Зероки Президентимиз таъкидлаганларидек “**Таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яқкаю ягона тўғри йўлидир**” [2].

Мамлакатимизда ёшларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишлари учун олиб борилаётган ислоҳотлар, аввало, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини қуриш ва унинг равнақи йўлидаги саъй-ҳаракатлардир. Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Ҳаммамизга теран бир ҳақиқат аён бўлиши керак - биз юртимизнинг эртанги ривожини йўлида қандай чуқур ўйланган дастурларни тузмайлик, бу режаларни бажариш учун қандай моддий база ва имкониятларни яратмайлик, бунинг учун қанча кўп сармоя сафарбар этмайлик, уларнинг барчасини амалга оширадиган, рўёбга чиқарадиган қудратли бир омил борки, у ҳам бўлса, юқори малакали иш кучи ва юртимизнинг эртанги куни, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшларимиз, десак, ўйлайманки, ҳеч қандай хато бўлмайди» [7;Б. 87]. Етук мутахассис



миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги асосида шаклланиши, оила, жамият, Ватан олдидаги масъулиятни теран англайдиган шахслар бўлиб етишиши катта аҳамиятга эга ва бугуннинг талабидир. Шу билан боғлиқ дунё, инсон ва жамият ҳақидаги билимлар тизимини тубдан қайта ислоҳ қилиниши зарурияти аён бўлади.

Я.А.Коменский ҳам ўзининг табиий истеъдодларни ривожлантиришга бағишланган асарларида масъулиятли ҳамда маънавий бой шахсни шакллантиришнинг аҳамияти ва зарурлиги ҳақида ёзган. [9; Б.8.]. Бундан ташқари Э.Н.Гусинский., Б.И.Турганиновлар фикрича: “Таълимнинг мақсади ҳаётга эмас, балки меъёрларга, барқарор меъёрларга, абадий ҳақиқатларга мослашишдир” [3; Б.141.].

XIX-XX асрлар бўсағасида Ж.Дьюи таълимни инсоннинг муваффақият қозонишига имкон берадиган ҳақиқий тажриба асосида шакллантириш керак, деб таклиф қилди [4; Б.10-12.]

А. Серобов бугунги кунда анъанавий таълим услубларининг интернет, электрон-компьютер сетлари ва телекоммуникация муҳитига асосланган янги ўқитиш услублари билан тўлдирилишининг ўзига хос жиҳатларига эътибор қаратади [13; Б.153.]. О.Р. Шамиева ўз тадқиқотларида айни дамда “ўқув масканларида бошқарув психологияси бўйича назарий ва амалий билимларни бериш зарур”лигига урғу беради [14; Б.163.]

Муҳокама. Бугунги глобаллашув шароитида Энг асосий масала мафкура полигонларида синондан ўтаётган, моҳиятан ғайриинсоний бўлган ғояларга қарши тура олиш учун алоҳида мафкуравий иммунитетни ҳосил қилиш лозим.

Ёшларнинг мафкуравий ва сиёсий фаоллигини юксалтириш долзарб масалалардан бири бўлиб, Ўзбекистонда амалга оширилаётган маърифий тадбирлар моҳиятан шунга қаратилган. Бирок, бу ўз – ўздан рўй берадиган жараён эмас, айниқса мафкуравий таҳдид ва хуружлар авж олган ҳозирги пайтда ёшларни эстетик тарбиялаш, уларда маънавий иммунитетни, эстетик дидни шакллантириш ёрдамида ҳар қандай таҳдидларни олдини олиш мумкин. Мазкур масалага ўз вақтида Ислом Каримов шундай деган эди: “Ақл заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсакгина, олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаравонлик ва тараққиёт қарор топади. Агар шу муаммони ечолмасак, тоат – ибодатларимиз бир пул. Тараққиёт ҳам, фаравон ҳаёт ҳам бўлмайди”.[7. Б. 113]

Мафкуравий иммунитет тизимининг асосий ва биринчи унсури, бу билимдир. Буюк мутафаккир Алишер Навоий айтганларидек: “Бу дунёда бир қил ҳам бекорга яратилмаган, башарти, мен унда бир хато кўрсам, бу оламнинг номукамаллигидан эмас, балки менинг нуқтаи назаримнинг хато эканидандир” [10. Б. 6]. Ёшлар билими, тажрибасининг камлиги сабабли ўзи эътиқод деб билгани аслида сароб ҳам бўлиши мумкин. Аммо, билимлар кўп. Шундай экан, бир томондан мафкуравий иммунитет тизимидаги билимлар

объектив бўлиши, воқеликни тўғри ва тўлиқ акс эттириши, инсон маънавий-тининг бойишига ва жамият тараққиётига хизмат қилиши лозим. Иккинчи томондан, бу билимлар ўз моҳият – эътиборига кўра, Ватан ва халқ манфаатлари, умуминсоний қадриятлар устиворлиги билан узвий боғлиқ бўлмоғи керак.

Мафкуравий иммунитет тизимининг иккинчи асосий қисми ана шундай билимлар заминида юзага келган қадриятлар ҳам шунчалик мустақкам бўлади ва мафкуравий тажовузлар қаршида мустақкам қалқон бўлиб хизмат қилади.

Мафкуравий иммунитетнинг учинчи муҳим унсури, яъни ижтимоий – иқтисодий, сиёсий ва маданий – маърифий соҳалардаги аниқ мўлжал ва мақсадлар тизими билан боғлиқ. Яъни, ҳар бир киши каби, халқ, давлат ва жамиятнинг ҳам аниқ мақсади бўлиши шарт ва бу мақсад англандан, уни амалга оширишда собитқадамлик даркор. Шундай аниқ тизим бўлмаса мафкуравий тазийқларга бардош бериш амримаҳолдир.

Дарҳақиқат таълимнинг бугунги вазифаси ўқувчи ёшларни кун сайин ошиб бораётган ахборот – таълим муҳити шароитида мустақил равишда фаолият кўрсата олишга, маънавий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш, ахборот оқимидан оқилона фойдаланишга ўргатишдан иборатдир. Demak, zamonaviy ta'lim texnologiyalari bo'lajak mutaxassislarda evristik va qidiruv qobiliyatlarini rivojlantirishni ta'minlashi kerak: juda samarali bo'lsada, nafaqat uzatish, tayyor ma'lumot, nafaqat «o'rganishga o'rgatish», balki shubha qilishni o'rgatish, yangi bilimlarga ega bo'lishga va eski bilimlarga yangicha yondashushga o'rgatish zarur. [16. Б. 6]. Шу жиҳатдан олиб қараганда ҳар бир ёш авлодни мафкуравий иммунитетини шакллантириш учун ҳам уларга таълим-тарбия берувчи устозларнинг, ота-оналарнинг, маҳалла муҳитининг ҳуллас, барча ватанпарвар инсонларнинг ўзларини ғоявий, мафкуравий тафаккурлари юқори бўлиши талаб этилади.

Бу соҳада айниқса оиланинг аҳамияти катта жуда каттадир. Чунки, оила қадим – қадимдан ўсиб келаётган авлодга аждоқлар анъаналарини узатиш, миллий тарбия асосларини сингдиришда тенгсиз маскан бўлиб келган. Оилада қарор топган соғлом муҳит, ота – оналарнинг маънавий бой дунёқарashi, ҳаётий ёндашувлари, фарзандлар тарбиясига қўядиган талаблари, интилишлари ёш авлодлар учун намунадир. Оилада ота – оналарнинг фарзандлар тарбиясига алоҳида масъулият билан ёндашиши, уларнинг руҳий кечинмаларини ҳис эта олишлари, ўй – фикрлари, ҳаётий интилишларидан хабардор бўлишлари ўқувчиларни ёт, бузғунчи ғоялар таъсирига берилишдан сақлайди.

Натижалар. Глобаллашув даврида ёшларнинг тафаккури ва қалбига миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигини сингдириш, ғоявий бўшлиққа йўл қўймаслик кабилар долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Бўшлиқ пайдо бўлган жойда албатта уни тўлдирувчилар топилиши назарда тутиландиган бўлса, ёшлар онгида ҳеч қачон маънавий бўшлиққа йўл қўймаслик керак. Ёш ав-



лодда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги асосида ахлоқий фазилатларни камол топтириш, халқ педагогикаси қўлга киритган ютуқларини ёшлар онгига сингдириб, Абу Райхон Беруний, Ал-Хоразмий, Форобий, Ибн Сино, Ахмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбандий, Алишер Навоий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний каби алломаларнинг ўлмас асарларининг аҳамиятини тушунтириб бориш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, маънавият юлдузларининг фаолияти, оғир ва машаққатли йўллари фалсафий таҳлил қилиб, улардаги жаҳон эътирофига сазовор бўлган миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигини ёшлар онгига сингдириш лозим. Зеро, «...ёшлар халқ маънавиятининг муносиб эгаларидир. Шунинг учун ҳар бир ўғил-қизимиз дастлабки қадамларидан бошлаб маданий бойликларимиздан баҳраманд бўлиши керак». [8; Б.80]

Биринчи президентимиз миллий қадриятимиз негизи бўлган маънавият масаласи ҳозирги вақтда ҳал қилувчи масала эканлигига эътиборни қаратиб, «...маънавиятни йўқотсак, ўзимизни ва ўзлимизни йўқотамиз. Маънавиятни юксалтирсак, ўз мурод - мақсадимизга етишда кучли мадад топамиз», - деб таъкидлайди. [5; Б.137-бет]

Глобаллашув жараёнларида инсониятнинг муҳим масалаларини ечиш, унинг қўлаб табиий ва ижтимоий эҳтиёжларини таъминлаш таълимни фундаменталлаштириш ғоясини келтириб чиқаради. Биринчи марта Вильгельм фон Гумбольдт томонидан XIX аср бошларида шакллантирилган фундаментал таълим концепцияси шунинг назарда тутадики, бундай таълимнинг предмети айнан бугунги кунда фан ўзининг энг юқори босқичида кашф этаётган фундаментал билимлар бўлиши керак [15]. Бундан ташқари, таълим тўғридан-тўғри илмий тадқиқотлар билан боғлиқ бўлиши лозим.

Ўсиб келаётган ёшларни тарбиялашда янгича ёндашувлар, шахсни шакллантиришга доир бир қатор масалалар ўз ечимини талаб этади. Ёшларнинг ўз устларида ишлаб, масъулиятли қарорлар қабул қилиб, зарарли одатлардан ўзларини муҳофаза қила олишлари, шунингдек, маънавий-ахлоқий дунёларини бойитиб, ижтимоий фаол ҳаёт кечири олишга тайёргарликлари учун маънавиятга янада чуқурроқ ва жиддий эътибор бериш лозим, деб ўйлаймиз. Чунки инсоннинг маънавияти қанчалик кенг ва чуқур бўлса, унинг қалбида буюк ўзгаришлар юз бериб, энг аввало, ўз-ўзини англай бошлайди. Англаган ички маънавий эҳтиёж одам ва оламни тўғри тушунишга ёрдам беради.

Шундай экан, вояга етаётган ҳар бир фарзандимизни маънавий баркамол, иродаси бақувват, иймони бутун, кучли мафкуравий иммунитетга эга шахс сифатида тарбиялаш озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

Мафкуравий - ғоявий иммунитетини шакллантиришнинг муҳим жиҳатларидан бири маънавий - ахлоқий тадбирларни мактабларда, коллежларда, маҳалла даргоҳларида қўлаб ташкил этилишидир. Маълумки, маънавий-ахлоқий негизлар замирида умуминсоний ва миллий қадриятлар



муштараклиги, кишиларнинг маънавий маданиятини шакллантиришга эришиш мақсади ётади. Зеро, шахс тафаккурини ўстирмай, унинг маънавий дунёсини бойитмай туриб, ижтимоий, иқтисодий, маданий жабҳалардаги вазифаларни бажариш, демакки комил инсонни тарбиялаш мумкин эмас.

Кишиларнинг маънавиятлилик даражаси ҳам жамиятдаги воқеаларга билдирадиган қарашларини белгилайди. Келажагимиз эгалари бўлган ёшларнинг мафкуравий иммунитетини шакллантиришнинг яна бир муҳим жиҳати бизнингча ёшлар маънавиятини оширишдир. Ахборот алмашинувининг энг тезкор воситаси интернет тизими эканлиги ҳаммамизга маълум.

Республикамизнинг биринчи президенти Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – энгилмас куч» китобида глобаллашув ва интернетнинг роли тўғрисида: «Бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио, телевидение, матбуот, интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмақда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Нега деганда, биз юртимизда очиқ ва эркин демократик жамият қуриш вазифасини ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйганмиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз», – дея таъкидланган. [8; Б. 114]

Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришга таъсир кўрсатадиган омиллар қаторига ҳозирги замон санъатининг кенг тарқалган, оммавий турларидан кино ва телевидение ҳам киради. Улар ўзларида барча илмий-техникавий тараққиётнинг энг янги ютуқларини ва санъатларнинг имкониятларини мужассамлаштирган. Ёшлар билан маънавий-маърифий ишлар жараёнидаги машғулотларнинг самарадорлигини таъминлашда ҳозирги кунда томошабинлар эътиборига ҳавола этилаётган фильмлардан фойдаланиш керак.

Шу ўринда сунъий йўлдошлар ёрдамида узатилаётган телеканаллар орқали ўзларини демократик деб ҳисоблаётган баъзи мамлакатларнинг шарқона ва инсоний одоб-ахлоқ меъёрларига зид фильмлар, бепарда кўрсатувларни кўраётган, маза-матрасиз кўшиқлар тинглаётган ёшларимизда миллий ғурур, ор-номус деган туйғу қандай шаклланди! Агар инсонларнинг маънавий онги паст бўлса, ҳар қанча чеклашларга қарамай маънавиятимизга мос бўлмаган фильмлар кўриш ёки эстрада “юлдуз”лари ижросидаги кўшиқларни “ахтариб юриб” топиб эшитишлари мумкин.

Хорижий фильмларда миллий маънавиятимизга мос келмайдиган жиҳатлар жуда кўп. Масалан, ундаги ёвузликни, уятсизликни, худбинликни тарғиб қилувчи ғоялар, айниқса ёшлар онгига таъсир қилади. Шундай қилишимиз керакки, одамларнинг ўзлари нима яхши ва нима ёмон эканлигини ажрата билсин. Бунинг учун киши маънавий камол топган, миллий ва маънавий қадриятларимизга содиқлик руҳи билан қуролланган бўлиши даркор.



Тарихимиз илм-фан, дин, санъат соҳасида юртимизда етишиб чиққан алломалар бутун дунёга донг таратганидан, демакки, бутун дунё маънавиятига катта таъсир ўтказганидан гувоҳлик беради. Абу Наср Форобий жаҳон фалсафаси ривожига сезиларли ҳисса қўшган бўлса, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Замахшарий, Хоразмий, Мирзо Улуғбек сингари алломаларимиз жаҳон фанини янги поғоналарга кўтаришди. Исмоил Бухорий, ат-Термизий, Мотуридий, Абдуҳолик Ғиждувоний, Баҳовуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавийлар эса ҳадис, калом, фикҳ илмлари ва тасаввуфда порлоқ юлдузлар ҳисобланишади. Амир Темур ва Мирзо Бобурнинг ҳарбий санъати нақадар юксаклигини бутун жаҳон эътироф этади. Бинобарин, ғоялар ва мафкура-лар кураши шароитида ёшларимизга биз ҳам тиббиёт, ҳам ижтимоиёт, ҳам илоҳиёт фанлари бўйича мислсиз кашфиётлар яратган алломаларнинг авлодлари, уларнинг қонуний ворислари эканлигимизни англаштирдан чарчамаслигимиз керак. Маълумки, юқорида номлари санаб ўтилган буюк бобокалонларимиз яшаган даврларда фақатгина шам ёруғлиги ва содда илмий воситалар ёрдамида юксак салоҳиятли асарлар яратилган, буюк кашфиётлар қилинган. Бизнинг давримизда эса илм-фан, техниканинг энг сўнги маҳсулотларидан фойдаланиш имконияти мавжуд. Шунингдек, Ўзбекистонда ёшларимизнинг таълим олиши, ўз устида ишлашлари, ҳуллаб баркамол авлод бўлиб ривожланиши учун барча имкониятлар яратилган.

Хулоса қилиб айтганда ёшлар тарбиясига оила, таълим муассасалари ва жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорлик асосида ёндашиш уларда ғоявий иммунитетни шакллантиришда муайян ютуқларни қўлга киритишга имкон беради. Оммавий ахборот воситалари хизматининг мазкур жараёнга йўналтирилиши эса фожиалар содир бўлишининг олдини олишда катта аҳамиятга эга.

Юқоридаги фикрларга асосланиб, учинчи минг йиллик бошидаги ўзгарган маънавий вазият, умуман, таълимни, хусусан, олий таълимни янги методологияга йўналтирди, дейишимиз мумкин. Яхлит дунёқарашдан келиб чиқадиган универсал мантиқ замонавий олий таълимнинг умумий методологияси ҳисобланади. “Янгича фалсафага кўра таълим тизими ва жараёнида билим эмас, балки ўқувчи-талаба шахси асосий бош кадрият ҳисобланади. Дидактик жараён субъект-субъект шаклида амалга оширилади. Яъни ўқувчи-талаба ўқитувчи билан биргаликда таълим жараёнини амалга оширадиган субъект мавқеида бўлади. Янгича педагогик фалсафа ўқувчи-талаба оламдаги нарса, ҳодисаларни жараёнларни ўз кўзи билан кўради, идрок этади. Шундай экан у бу нарса, ҳодисаларни ўз кучи билан ўрганиши керак, деган ғояга асосланади. Янгича фалсафий ёндашувга кўра инсон олам ҳодисаларини яхлит, бир-бирига боғлиқ ҳолда ўзлаштиради. Шу боис таълим ҳам ана шу фалсафий қонуният асосида уюштирилиши лозим” [12; Б.15.]

Хулоса. Юқоридаги таҳлилларга таяниб, глобаллашув шароитларида таълим соҳаси ва таълим тизимлари билан боғлиқ қуйидаги фикр-мулоҳазаларни билдиришимиз мумкин:

Ўқувчиларда ғоявий иммунитетни шакллантириш йўлида оилада олиб бо-рилаётган ҳаракатларнинг таълим муассасаси амалиёти билан уйғунлашти-риш кутилган натижани олишга имкон яратади. Ўзида бузғунчи ғояларни ифода этувчи ғоявий кураш кўринишларига қарши бўлган тадбирларнинг ўтказилиши ёшларни доимо хушёр бўлишга, ҳар қандай вазиятга оқилона йўл тутишга ундайди. Ота – оналарнинг кўмаги ҳамда ҳомийликлари асо-сида ёшлар ўртасида амалий тренингларни ташкил этиш, маъруза, семинар-ларни уюштириш, уларни бевосита экскурсия ёки учрашув асосида меҳнат жасоратлари билан таништириш, бугунги кун қаҳрамонларининг ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги маълумотлардан хабардор қилиш, спорт мусобақала-рини уюштириш бузғунчи ғояларга қарши амалга оширилувчи энг самарали тадбирлар бўлиб хизмат қилади.

Ўқувчиларда ғоявий иммунитетнинг шаклланиш жараёнига кенг жамоат-чилик эътиборини тортиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки маҳаллалар ва ҳудудларда ёшларнинг ижтимоий – ғоявий билимларини бойитувчи, улар-ни бузғунчи, экстремистик кучлар таъсирига берилишдан муҳофаза қилувчи суҳбат, учрашув, давра суҳбати, баҳс – мунозара, турли кўрик ва танловлар-нинг ўтказилиши ўзининг ижобий натижасини беради. Бу каби тадбирларга катта ҳаётий тажрибага эга, меҳнат жасоратлари билан ёшларга ўрнатилув-чи кишиларни таклиф этилиши муҳимдир. Шунингдек, муайян мавзуларда-ги тадбирларда мутахассисларнинг иштироки ёшларнинг билимларини му-стаҳкам асосга эга бўлишини таъминлайди.

Бугунги кунда ёшлар ҳаётида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ҳам аҳамиятли бўлиб, улар ёрдамида ёшларда келажакка умид, ишонч уй-ғотадиган, уларда энг эзгу инсоний қадриятларни улуғлаш, атрофдагиларга нисбатан инсонпарварлик нуқтаи назаридан ёндашиш, Ватанравнақи, жами-ят тараққиёти йўлида меҳнат қилиш каби сифатларни тарбиялайдиган кўрса-тув, эшиттириш ва мақолаларнинг берилишига эришиш зарур. Шундагина, мамлакат ҳудудига бузғунчи, экстремистик ғояларнинг кириб келиши ва кенг ёйилишига чек қўйилади. Оммавий ахборот воситаларида ёшлар учун мате-риаллар таркибини тайёрлашда қатор психо-педагогик талабларни ҳисобга олиши лозим. Бунда жанр, мавзу ранг-баранглиги талабларига риоя қилмас-лик шунга олиб келадикки, мафкуравий мавзудаги кўпгина материаллар ёш томошабинлар ва тингловчиларнинг сиёсий қизиқишларини ҳар томонлама қондира олмайди.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. – Тошкент: “O‘zbekiston” нашри-ёти, 2022. – 440 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси 20.12.2022 <https://president.uz/uz/lists/view/5774> Мурожаат этилган сана: 02.02.2024.



3. Гусинский Э.Н., Турганинов Б.И. Введение в философию образования. - М.: Логос, 2000. – 224 с.
4. Дьюи Дж. Демократия и образование. – М.: Педагогика-Пресс, 2000.- 382 с.
5. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш - бизнинг олий мақсадимиз! 7-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2009. 137-бет
6. Каримов И.А. Жамяитимиз мафқураси халқни - халқ, миллатни - миллатат қилишга хизмат этсин. Т., Ўзбекистон, 1998. 17 – бет.
7. Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимиз- ни модернизация қилиш ва тараккий топган давлатлар даражасига кутариш сари. Тошкент: Ўзбекистон. 18-том. 2010. 87-бет.
8. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. 113-б.
9. Коменский Я.А. О развитии природных дарований // Избранные педагогические сочинения. - Москва: Издательство Юрайт, 2022. – 440 с.
10. Навоий А. Хикматлар. – Т.: 2014. -33 б.
11. Педагогика (Педагогика назарияси ва тарихи): // М.Х. Тўхтаходжаева тахрири остида. Т.:Ўзбекистон файласуфлари миллий жамяти. 2010 й.
12. Примов Т. Таълим фалсафаси ёки таълим тарбиянинг методологик масалалари. – Т.: «Фан ва технология», 2014. – Б. 272.
13. Серобов А. Таълимга тикилган сармоя. – Тошкент: «Akademnashr», 2022. – 192 б.
14. Shamiyeva O. R. Sharq mutafakkirlari asarlarida rahbarlik va boshqaruv muammolarining talqini // IIm sarchashmalari. – Urganch, 12/2.2023 – B.160-163.
15. <https://pedagogika2012.wordpress.com/2012/12/19/> Мурожаат қилинган сана:02.02.2024.
16. Шамиева О.Р., Ахмедова Н.М. Новые технологии обучения гуманитарных предметов в системе высшего образования. Universum: психология и образование: научный журнал. – № 12(102). М., Изд. «МЦНО», 2022.-36с.-Электрон.версия.печ.публ.–[http://7universum.com/ru/ psy/ archive/ category/ 12102](http://7universum.com/ru/psy/archive/category/12102).
17. Эшонкулова Н.А. Заонавий жамят ривож: бахт-саодат феномени ва унинг ижтимоий-ахлоқий жиҳатлари //“Falsafa va hayot” халқаро журнал (“Philosophy and life international journal”) – Тошкент, 2023. Б.98-105. №SI-2 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9505-2023-SI-2>

РЕЗЮМЕ

Мақолада глобаллашув жараёнида ёшларнинг таълим ва тарбиясидаги ўзига хос жиҳатлар таҳлил қилиниб, ёшларнинг мафқуравий иммунитетини оширишга кенгрок тўхталиб, бу масала юзасидан амалий таклифлар берилган. Шунингдек, Ўзбекистонда амалга оширилаётган маърифий тадбирлар моҳияти ёшларнинг мафқуравий ва сиёсий фаоллигини оширишдаги зарурати илмий асосланган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье проводится социально-философский анализ образовательного процесса и образовательных систем в условиях глобализации, также научно обосновано формирование единого образовательного пространства, сохранение национальных образовательных традиций, необходимость создания концептуальных основ трансформации, модернизации и реформирования системы образования и воспитания.

SUMMARY

The article analyzes specific aspects of the upbringing and training of youth in the context of globalization, pays more attention to increasing the ideological immunity of youth, and gives practical proposals on this issue. Also, the essence of educational activities implemented in Uzbekistan is scientifically substantiated by the need to increase the ideological and political activity of young people.